

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НУРИДИНОВ ОЛИМЖОН КУТБИДИНОВИЧ**

**НАНОСТРУКТУРАЛИ ЦЕОЛИТЛАРДА КЕНГ ДИАПАЗОНЛИ  
МУВОЗАНАТЛАШГАН БОСИМ ВА ҲАРОРАТДА H<sub>2</sub>O ҲАМДА CO<sub>2</sub>  
АДСОРБЦИЯ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нуридинов Олимжон Кутбидинович**

Наноструктурали цеолитларда кенг диапазонли мувозанатлашган босим ва ҳароратда H<sub>2</sub>O ҳамда COS адсорбция механизмлари ..... 3

**Нуридинов Олимжон Кутбидинович**

Механизмы адсорбции H<sub>2</sub>O и COS в широком интервале равновесных давлений и температур в наноструктурированных цеолитах ..... 21

**Nuridinov Olimjon Kutbidinovich**

The mechanism of adsorption of H<sub>2</sub>O and COS in a wide range of equilibrium pressure and temperature in nanostructured zeolites ..... 39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works ..... 42

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

**НУРИДИНОВ ОЛИМЖОН КУТБИДИНОВИЧ**

**НАНОСТРУКТУРАЛИ ЦЕОЛИТЛАРДА КЕНГ ДИАПАЗОНЛИ  
МУВОЗАНАТЛАШГАН БОСИМ ВА ҲАРОРАТДА H<sub>2</sub>O ҲАМДА CO<sub>2</sub>  
АДСОРБЦИЯ МЕХАНИЗМЛАРИ**

**02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Наманган–2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/К509 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институти, Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси [www.iopx.uz](http://www.iopx.uz) va «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эргашев Ойбек Каримович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент кимё-технология институти**

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «12» ноябрдаги соат 09<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: [nei\\_info@edu.uz](mailto:nei_info@edu.uz)).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (184-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «29» октябрь куни тарқатилди.  
(2022 йил «29» октябрдаги № 11 рақамли реестр баённомаси)

**И.Т.Шамшидинов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф.

**Д.Ш.Шерқўзиёв**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д., проф.

**А.С.Боймирзаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., проф.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгорлиги.** Дунё нефть-газ саноатида табиий газларни қуритиш, нордон газлардан тозалашда ва нефтни қайта ишлашда маҳсулот таркибида қоладиган турли хил олтингугуртли бирикмалар маҳсулот сифатига салбий таъсир кўрсатади ва технологик қурилмалар коррозиясига сабаб бўлади. Табиий газни қуритиш ва нордон газлардан, жумладан углерод оксисулфид газидан тозалаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Кўшимчалардан тозалаш адсорбцион усулда, юқори сорбцион хусусиятга эга микроғовакли адсорбентлар ёрдамида амалга оширилади. Тозалашда ҳосил бўладиган ишлатилган адсорбентларининг миқдори йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Юқори сорбцион хусусиятини сақлаган ҳолда цеолитларни қайта тиклаш усуллари аниқлаш ва олинган натижалар асосида илмий ва амалий янгиликларга эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жаҳонда адсорбция жараёнлари учун наноструктурали цеолитларни адсорбция механизмларини аниқлаш уларни самарали қайта тиклаш технологиясини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ишлатилган микроғовакли цеолитларнинг таркибини аниқлаш; цеолит регенерацияси учун оптимал шароитларни аниқлаш; селектив хусусиятига эга цеолитлар регенерациялаш учун зарур шароит ва реагентлар танлаш; регенерацияланган цеолитларнинг тўлиқ термодинамик хусусиятларини аниқлаш; цеолит матричасида кутбли ва кутбсиз молекулалар адсорбциясида содир бўладиган катионлар кўчиб ўтиш (миграция) қонуниятини ўрганиш; цеолитларни самарали регенерациялаш технологиясини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноатини жадал ривожлантириш, янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш, рақобатбардош маҳсулотларнинг турларини ва ҳажми кенгайтишига олиб келмоқда. Жумладан адсорбентлар ва цеолитлар синтез қилиш, ишлатилган цеолитларни қайта тиклаш технологияларини ривожлантириш бўйича илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг учинчи йўналишида «Нефт-газ соҳасида трансформация жараёнларини жадаллаштириш орқали табиий газ таъминотида ижтимоий ҳимоя кафолатлари белгиланган ҳолда бозор механизмларини жорий этиш»<sup>1</sup> вазифалари белгиланган. Бу борада, жумладан ишлатилган цеолитларни сорбцион хусусиятини қайта тиклаш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805 «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Ўзбекистон Республикасини янада

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» тўғрисидаги фармони

ривожлантиришга қаратилган «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда олиб борилаётган тадқиқот ишларида асосан цеолитларнинг структураси ва уларда катионлар жойлашиш ҳолати кўпроқ ёритилган бўлиб, сув, углерод оксисульфиди молекулалари адсорбция жараёнлари механизми, молекуляр термодинамик хусусиятлари ҳақида маълумотлар кам учрайди.

Хорижий олимлардан М.М. Дубинин (1960-1980 й) биринчилардан бўлиб, калориметрик усулда СаА цеолитларига сув молекуласининг адсорбцияси изотермаларини аниқлаган. Италиялик G. Martra, S. Coluccia ва бошқалар (1999) ИК спектр усули ёрдамида NaX ва NaY цеолитларига аммиак ва бензолнинг адсорбциясини, Jian Jiao, Wei Wang ва бошқалар (2005) Y типидagi цеолитларга аммиак адсорбциясини механизмини ЯМР спектроскопия усулида, Anett Kondor, András Dallosлар (2014), Huimin Zheng, Liang Zhao ва бошқалар (2015) фожазитларга моно- ва ди- ароматик бирикмалар адсорбциясини изотермаларини газ-суёқлик хроматографияси ёрдамида ўрганган.

Ўзбекистонда А.А. Агзамхожаев, С.С. Хамраев, С.З. Мўминов, И.Д. Эшметов, Д.С. Салиханова, Ш.А.Кулдашевлар Ангрен кўмири ва гил минералларига, Ҳ.И. Акбаров, А.Ю. Яркуловлар полимер-кремнезем гибрид нанокөмпозитларга ҳар хил молекулалар адсорбциясини вакуумли магбен курилмасида ўрганишган. Мамлакатимизда к.ф.д., профессор Г.У. Раҳматқариев раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Эргашев О.К., Раҳматқариева Ф.Г., Бахронов Х.Н., Абдурахмонов Э.Б., Жумаева Д.Ж., Якубов Й.Ю., Долиев Ғ.А., Абдулхаев Т.Д., Коххаров М.Х. ва бошқалар томонидан А, X, Y ва LSX русумидаги цеолитлар, гил минераллари, аэросил, мусковит, силикалит, рутил ва бошқа адсорбентларни юқори вакуумли адсорбцион микрокалориметрик курилмада борадиган адсорбцион жараёнлар механизмини тўлиқ ёритиш бўйича катта ҳажмдаги тадқиқотларни амалга оширилган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А7-Т167 рақамли «А ва X русумидаги цеолитларда ютилиш жараёни молекуляр структурали ва термодинамик тадқиқ, табиий газни тозалаш мақсадида сорбентларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун инновацион ривожланишининг асоси» (2012-2016йй.) ва Наманган муҳандислик-технологиялар институтида бажарилган МУ-ФЗ-2017102584 рақамли «NaLTA, CaLTA ва содалит молекуляр ғалвирларида мезбон-

мехмон боғланиш механизмлари» (2018-2019йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** дастлабки ва регенерацияланган СаА, NaX цеолитларида сув, углерод оксисульфид, карбонат ангидрид молекулалари адсорбциясини тўлиқ термодинамик хусусиятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

СаА, СаNaА, NaX цеолитларида сув, углерод оксисульфид молекулаларини изостерик адсорбцияси, шунингдек регенерацияланган СаА, NaX цеолитларида сув ва углерод (IV) оксиди молекулалари адсорбциясининг изотермалари, дифференциал иссиқлиги, энтропия ва термокинетикаси тавсифларни аниқлаш;

Адсорбцион изотермаларни тадқиқ қилиш ва уларни микроғоваклар ҳажмий тўлдириш назариясига тегишли бўлган тенгламалар орқали тавсифлаш (МХТН);

Ишлатилган цеолитларни термокимёвий ва микротўлқин таъсирида сорбцион хусусиятларини қайта тиклаш усулларини такомиллаштириш;

Дастлабки ва регенерацияланган цеолитлар бўшлиқларидаги адсорбцион фарқлар ва бўшлиқлардаги катионларнинг кўчиб ўтиш (миграция) қонуниятини ўрганиш;

Регенерацияланган цеолитни адсорбция молекуляр механизмларини аниқлаш ва саноат корхоналарида адсорбцион имкониятларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида молекуляр элактр СаА ( $\text{Ca}_4\text{Na}_4[(\text{SiO}_2)_{12}(\text{AlO}_2)_{12}]$ ) ва NaX- $(\text{Na}_{86}(\text{AlO}_2)_{86}(\text{SiO}_2)_{106})$ , COS,  $\text{H}_2\text{O}$ , техник  $\text{CO}_2$  дан иборат.

**Тадқиқотнинг предмети** цеолитлар матричасида ион–молекуляр комплексларнинг шаклланиши, локализацияси, адсорбция қонуниятларини ва адсорбциянинг молекуляр механизмлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда физик ва коллоид-кимёвий, аналитик, адсорбцион калориметрия, тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

изостерик усулда СаА, СаNaА, NaX цеолитларида  $\text{H}_2\text{O}$  ва COS адсорбциясининг тўлиқ термодинамик хусусиятлари аниқланган;

СаА, СаNaА, NaX цеолитларида сув адсорбцияси иссиқликлари поғонали кўринишда бўлиб, цеолит матричаси ҳар бир поғонасининг стехиметрик ўлчамларида  $(\text{H}_2\text{O})_n/\text{Na}^+$  ва  $(\text{H}_2\text{O})_n/\text{Ca}^{2+}$  шаклидаги бир ва кўп ўлчамли адсорбцион кластерлари ҳосил бўлиши исботланган;

СаА цеолитида адсорбцион марказ  $\text{Ca}^{2+}$  катионлари эканлиги, бу ҳолда COS молекулалари  $\text{Ca}^{2+}$  катионлари билан  $(\text{COS})_2/\text{Ca}^{2+}$  комплекс ҳосил қилиб, NaСаА цеолитида адсорбцион марказ сифатида  $\text{Ca}^{2+}$  ва  $\text{Na}^+$  катионлари бўлиши аниқланган;

цеолитларни термик ва термооксидлаш регенерациялари микротўлқинлар иштирокида олиб борилганида жараён энергетик ва вақт жихатидан самарали бўлиши аниқланган;

регенерацияланган цеолитларнинг сорбцион хоссалари дастлабки цеолитларга нисбатан 10% га кам эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқотлар натижалари асосида ишлатилган цеолитларини самарали регенерациялаш усули ишлаб чиқилган;

турли мухитларни, жумладан углеводородли ёқилғиларни сув ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш жараёнлари учун регенерат адсорбентлар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Кимёвий (аналитик кимё), физик-кимёвий ва адсорбцион-калориметрик таҳлиллардан фойдаланилган ҳолда, лаборатория-тажриба синовлари билан ишончлиги тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти физик адсорбциянинг назарий ривожланиши, ҳамда юқори аниқликка эга бўлган махсус қурилма орқали аниқлаш натижасида олинган термодинамик функциялари ўрнатилган системаларнинг физик-кимёвий константалари юзасидан олинган маълумотлар асосида ишлатилган цеолитларни регенерациялаб қайта ишлатиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти назарий молекуляр- статистик ҳисобларда, ҳамда сорбцион техниканинг аппаратлари ва жараёнларни амалий ҳисоблашда, ОТМ магистрантларига ўқиладиган физик ва коллоид кимёси бўйича махсус курсларда ва нефтгазкимё комплекснинг амалий масалалар ечимини топишда магистрлик диссертацияларда бу маълумотлардан фойдаланиш, оқова сувларни зарарсизлантириш, биогазларни қуриштириш ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш, резина ва чиқиндиларни қайта ишлаш корхоналари газларини токсинлардан тозалаш жараёнларида ушбу адсорбентларни ишлатишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Дастлабки ва регенерацияланган NaX ва CaA цеолитларини адсорбцион хусусиятларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

регенерацияланган NaX цеолити ёрдамида нефть маҳсулотларини сув, олтингугуртли ва азотли бирикмалардан тозалаш технологияси «Чиноз НҚИЗ»нинг «2022-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2022 йил 7 сентябрдаги 02-18-8-46-сон маълумотномаси). Натижада, бензин ва дизел ёқилғиларини сув, олтингугуртли ва азотли бирикмалардан тозалаш имконини берди;

регенерацияланган CaA цеолити ёрдамида нефть маҳсулотларини олтингугуртли бирикмалардан регенерацияланган технологияси «Чиноз НҚИЗ»нинг «2022-2024 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати» га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2022 йил 7 сентябрдаги 02-18-8-46-сон маълумотномаси). Натижада, бензин ва дизел ёқилғиларини сув, олтингугуртли ва азотли бирикмалардан тозалаш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси МДХда журналларда нашр этилган.


**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ


**Кириш** қисмида олиб борилган тадқиқот ишларининг долзарблиги ва зарурияти, мақсад ва вазифалари, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Наноструктурали адсорбентларнинг турлари, тузилиши ва уларнинг адсорбцион хоссалари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида, наноструктурали адсорбентлар ҳақида умумий тушунча, сорбцион ғовақларининг структураси, цеолитларнинг адсорбцион қобилияти, газ ва буғ ҳолатдаги ноорганик бирикмаларнинг адсорбцияси бўйича тадқиқот ишлари бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Наноструктурали адсорбентларда мувозанатлаш-ган босим ва ҳароратнинг кенг оралиғида сув адсорбцияси”** деб номланган иккинчи бобида СаА, NaСаА ва NaХ молекуляр ғалвирларга сувнинг адсорбцияланиши тўлиқ термодинамик функцияси ва изотермалари, ушбу цеолитларнинг термодинамик функциялари бўйича маълумотлар келтирилган. Цеолитларга сувнинг адсорбцияси бир қатор ўзига хос жихатларга эга. 1, 3 ва 5 расмларда 273, 298, 333 ва 373 К ҳароратларда NaХ, СаА ва СаNaА типдаги турли цеолитларда сув буғи адсорбциясининг изотермалари келтирилган. Дастлабки намуналарга 350-450°C ҳароратда термовакуумли ишлов берилган. Ўрганилган барча турдаги цеолитлар учун сув буғи концентрацияси кичик бўлган соҳаларда изотерманинг жуда кескин кўтарилиши хосдир.




**1-расм.** NaX цеолитидаги сув буғининг адсорбцион изотермалари: 1-273 К; 2- 298 К; 3-333 К; 4-373 К. ■— МХТН ёрдамида ҳисобланган.



**2-расм.** NaX цеолитида  $H_2O$  нинг турли микдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-8,0; 2-9,0; 3-10,0; 4-11,0; 5-12,0; 6-13,0; 7-14,0; 8-15,0; 9-16,0; 10 - адсорбцияланмаган сув буғлари учун  $LgP_s$  нинг  $T^{-1}$  га боғлиқлиги




**3-расм.** CaA цеолитидаги сув буғининг адсорбцион изотермалари: 1-273 К; 2- 298 К; 3-333 К; 4-373 К. ■— МХТН ёрдамида ҳисобланган.




**4-расм.** CaA цеолитида  $H_2O$  нинг турли микдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-6,0; 2-7,0; 3-8,0; 4-9,0; 5-10,0; 6-11,0; 7-12,0; 8-13,0; 9-14,0; 10- адсорбцияланмаган сув буғлари учун  $LgP_s$  нинг  $T^{-1}$  га боғлиқлиги

Системадаги бошланғич мувозанатли босим  $10^{-4}$  мм сим.уст. дан паст. Хона ҳароратида цеолитларнинг адсорбцион хоссаси бир неча мм.лик симоб устунининг босимида максимал тўйинишдаги адсорбцион хоссасига яқин. Бу ҳолат сув буғлари микдори кўп бўлмаган газларни қуритиш учун цеолитлардан фойдаланиш истиқболлини кўрсатади. Цеолитларда сув адсорбциясининг изотермаларини МХТН нинг икки ва уч аъзоли тенгламаси билан қоникарли ёки тўлиқ тавсифлаш мумкиндир.



**5-расм.** CaNaA цеолитидаги  $H_2O$  буғининг адсорбцион изотермлари: 1-273 К; 2- 298 К; 3-333 К; 4-373 К. ■ – МХТН ёрдамида ҳисобланган.



**6-расм.** CaNaA цеолитида  $H_2O$  нинг турли миқдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-6,0; 2-7,0; 3-8,0; 4-9,0; 5-10,0; 6-11,0; 7-12,0; 8-13,0; 9-14,0; 10-адсорбцияланмаган сув буғлари учун  $LgP_s$  нинг  $T^{-1}$  га боғлиқлиги

Бунда, □-экспериментал нуқталар, ■- эса МХТН тенгламаси (2.5) асосида ҳисобланган.

Турли ҳароратлар учун мос тенгламалар куйида келтирилган:

NaX цеолитида  $H_2O$  учун:

$$273 \text{ К} \quad a = 18,429 \exp[-(A/15,27)^2] + 0,724 \exp[-(A/2,23)^2]$$

$$298 \text{ К} \quad a = 17,159 \exp[-(A/21,24)^2] + 7,0 \exp[-(A/0,45)^{1/2}]$$

$$333 \text{ К} \quad a = 15,722 \exp[-(A/20,29)^3] + 0,7 \exp[-(A/6,0)^6]$$

$$373 \text{ К} \quad a = 4,875 \exp[-(A/25,24)^3] + 3,467 \exp[-(A/17,43)^6] + 2,9 \exp[-(A/11,2)^7]$$

CaA цеолитида  $H_2O$  учун:

$$273 \text{ К} \quad a = 11,194 \exp[-(A/37,58)^2] + 2,8 \exp[-(A/6,65)^2]$$

$$298 \text{ К} \quad a = 12,359 \exp[-(A/26,61)^2] + 0,562 \exp[-(A/6,69)^4] + 1,549 \exp[-(A/3,16)^4]$$

$$333 \text{ К} \quad a = 11,402 \exp[-(A/23,68)^3] + 8,872 \exp[-(A/4,4)^3]$$

$$373 \text{ К} \quad a = 5,178 \exp[-(A/31,33)^6] + 5,248 \exp[-(A/16,35)^6]$$

CaNaA цеолитида  $H_2O$  учун:

$$273 \text{ К} \quad a = 12,809 \exp[-(A/20,46)^2] + 2,399 \exp[-(A/2,95)^2] + 1,758 \exp[-(A/1,1)^4]$$

$$298 \text{ К} \quad a = 13,062 \exp[-(A/21,11)^2] + 1,972 \exp[-(A/3,73)^2]$$

$$333 \text{ К} \quad a = 11,428 \exp[-(A/20,71)^3] + 0,851 \exp[-(A/5,22)^2]$$

$$373 \text{ К} \quad a = 7,739 \exp[-(A/28,77)^3] + 3,4 \exp[-(A/14,0)^5]$$


бунда,  $a$  – адсорбция катталиги (ммоль/г),  $A = RT \ln P_s/P$  – адсорбция иши (кЖ/моль). 2.4 тенгламасининг параметридан фаркли ўларок, 2.5 тенгламасида 1, 2 ва 3 индексларга эга параметрлар бу катионлардаги ўзаро таъсирларнинг тавсифларидир. Индекси 1 бўлган параметрлар катионларда ўзаро кучли таъсирда сув молекуласининг адсорбциясини тавсифлайди, индекси 2 бўлган

параметрлар-катионларда нисбатан кучсизрок таъсирларда, индекси 3 бўлган параметрлар - катионларда кучсиз таъсирлари ифодалайди.


Сув молекулаларини цеолитларнинг фаол марказлари билан ўзаро адсорбцион таъсири ҳақида адсорбциянинг энергетик тавсифи бўйича хулоса қилиш мумкин. Турли ҳароратларда ўрганилган (273, 298, 333, 373К) адсорбция изотермалари асосида турли ҳарорат ва босимлар учун адсорбцион сифимга ишлов бериш доимий даражасининг изостера-линиялари ҳисобланган.

Иссиқлик маълумотлари 273-373 К оралиғида ва цеолитларнинг чегаравий улушидан (бошланишидан) то тўлиқ тўйингунга қадар ўлчанган адсорбциянинг изостералар сериялари бўйича аниқланган. 2, 4 ва 6- расмларда  $\lg P-T^{-1}$  координаталардаги цеолитларда сув буғларининг адсорбция изостералари серияси келтирилган.

Диссертациянинг “**Наноструктурали адсорбентларда мувозанатлаш-ган босим ва ҳароратнинг кенг оралиғида COS адсорбцияси**” деб номланган учинчи бобида наноструктурали CaA, NaCaA ва NaX молекуляр ғалвирларга COSнинг адсорбцияланиши тўлиқ термодинамик функцияси ва изотермалари, ушбу цеолитларнинг термодинамик функциялари бўйича тавсиялар келтирилган.



**7-расм.** CaA цеолитида COS адсорбция изотермалари: ■— МХТН ёрдамида ҳисобланган; 1- 273 К; 2- 298 К; 3- 333 К; 4- 373 К.



**8- расм.** CaA цеолитида COSнинг турли миқдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-0,5; 2-1,0; 3-1,5; 4-2,0; 5-2,5; 6-3,0; 7-3,5.

7-расмда COS ни CaAда турли ҳароратлардаги (273, 298, 333 ва 373К) адсорбцион изотермалари келтирилган. CaA нинг COSни адсорбциялаш қобилияти X типидagi цеолитларга қараганда 14% паст. Цеолитларда COS адсорбциясининг изотермалари икки ва уч аъзоли МХТН тенгламаларида қониқарли тасвирланади.

Қуйида турли ҳароратларда ўлчанадиган COS - CaA изотермаларнинг тенгламалари келтирилган.


$$273 \text{ K } a = 2,95 \exp[-(A/23,96)^7] + 0,97 \exp[-(A/13,71)^4] + 0,67 \exp[-(A/5,98)^3]$$

$$298 \text{ K } a = 1,09 \exp[-(A/25,23)^{12}] + 1,62 \exp[-(A/18,27)^{20}] + 1,08 \exp[-(A/12,81)^5]$$


$$333 \text{ K } a = 2,14 \exp[-(A/19,05)^4] + 1,31 \exp[-(A/15,17)^7]$$

$$373 \text{ K } a = 1,53 \exp[-(A/18,18)^3] + 1,21 \exp[-(A/15,8)^6]$$

Турли ҳароратларда олинган адсорбция изотермларига асосланиб (273, 298, 333 ва 373 К), изостералар - адсорбциянинг доимий қийматларида мувозанат босимининг ҳароратга боғлиқлик чизиқлари ҳисобланди.  $\lg P - T^{-1}$  координаталардаги изостералар чизиқли бўлиб, уларнинг ҳарорат ўқига оғиши адсорбент сиртининг тўлиб бориши билан ўзгаради. (8- расм)



**9-расм.** NaCaA цеолитида COS адсорбцияси изотермалари:  
 ■— МХТН ёрдамида ҳисобланган.  
 1- 273 К; 2- 298 К; 3- 333 К; 4- 373 К.



**10-расм.** NaCaA цеолитида COSнинг турли микдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-0,5; 2-1,0; 3-1,5; 4-2,0; 5-2,5; 6-3,0; 7-3,5; 8-3,8.

COS – NaCaA:

$$273 \text{ K } a = 4,03 \exp[-(A/17,68)5] + 0,80 \exp[-(A/6,06)3]$$

$$298 \text{ K } a = 3,85 \exp[-(A/18,23)4]$$

$$333 \text{ K } a = 2,3 \exp[-(A/19,45)4] + 1,01 \exp[-(A/16,09)5]$$

$$373 \text{ K } a = 5,17 \exp[-(A/12,74)2].$$

Турли ҳароратларда (273, 298, 333 ва 378 К) олинган адсорбцион изотермаларга асосан, изостералар- адсорбциянинг доимий қийматларида мувозанат босимининг ҳароратга боғлиқлик чизиқлари ҳисоблаб чиқилган (9-расм).  $\lg P - T^{-1}$  координаталардаги изостералар чизиқли бўлиб, уларнинг ҳарорат ўқига оғиши адсорбент сиртининг тўлиб бориши билан ўзгаради. Изостерларнинг оғишидан адсорбциянинг изостерик иссиқликлари ҳисобланади. (10- расм)

Цеолитларда COS адсорбциясининг изотермалари икки аъзоли МХТН тенгламаларини кониқтиради ва тўлиқ ифодаланади.


Қуйида, турли ҳароратларда ўлчанган изотермлар учун мос келадиган тенгламалар келтирилган: COS - NaX:

$$273 \text{ K } a = 3,98 \exp[-(A/19,41)7] + 1,03 \exp[-(A/10,66)4]$$

$$298 \text{ K } a = 1,62 \exp[-(A/21,5)6] + 2,9 \exp[-(A/14,0)5]$$


$$333 \text{ K } a = 2,06 \exp[-(A/19,31)4] + 2,146 \exp[-(A/15,01)5]$$

$$373 \text{ K } a = 0,3 \exp[-(A/22,95)7] + 4,23 \exp[-(A/12,92)3]$$



**11-расм.** NaX цеолитида COS адсорбция изотермаси:

■ – МХТН ёрдамида ҳисобланган;  
1- 273 К; 2- 298 К; 3- 333 К; 4- 373 К.



**12-расм.** NaX цеолитида COSнинг турли миқдорига мос келувчи адсорбция изостералари (ммоль/г): 1-0,5; 2-1,0; 3-1,5; 4-2,0; 5-2,5; 6-3,0; 7-3,5; 8-4,0.

Адсорбцияни турли ҳароратларда (273, 298, 333 ва 373 К) ўрганилган изотермаларига асосланиб, изостералар - адсорбциянинг доимий қийматларида мувозанат босимининг ҳароратга боғлиқлик чизиқлари ҳисобланди. (11-расм).  $\lg P \cdot T^{-1}$  координаталардаги изостералар чизиқли бўлиб, уларнинг ҳарорат ўқига оғиши адсорбент сиртининг тўлиб бориши билан ўзгаради. Изостераларнинг оғишидан адсорбциянинг изостерик иссиқликлари ҳисобланади (12-расм).

Диссертациянинг **“Наноструктурали адсорбентлар регенерациясини такомиллаштириш, NaX ва LTA цеолитларида H<sub>2</sub>O ҳамда CO<sub>2</sub> адсорбцияси”** деб номланган тўртинчи бобда цеолитларни регенерациялаш ва уларнинг тўлиқ адсорбцион хусусиятларини аниқлашга оид маълумотлар келтирилган. Ноёб адсорбцион хусусиятга эга бўлган микроғовакли адсорбентлардан адсорбатларни ажратиш мураккаблиги билан ажралиб туради. Бунда адсорбентнинг фаоллигини тиклаш учун, ишлатилган адсорбентнинг сорбцион ҳажмини максимал даражада сақлаган ҳолда ғоваклар тузилишини ўзгартирмайдиган усулни танлаш лозим. Цеолитлардан қиздирилган газлар оқимини ўтказиш одатда адсорбцияланган молекулаларни қўзғатиш ва ғоваклардан чиқариб юборишда ишлатилади.

H<sub>2</sub>S билан биргаликда бошқа кислотали газ аралашмаларининг мавжудлиги кўшимча реакцияларнинг ривожланишига олиб келади. H<sub>2</sub>S ни термик парчаланиши 400<sup>0</sup>-1700<sup>0</sup> С ҳароратда амалга ошади.

Лекин адсорбентнинг юзасида каталитик парчаланиш нисбатан паст ҳароратда амалга ошиши кузатилади.  $2(\text{H}_2\text{S})_{\text{адс}} \rightarrow (\text{H}_2\text{S}_2)_{\text{адс}} + \text{H}_2 \uparrow$


$(\text{H}_2\text{S}_2)_{\text{адс}} \rightarrow \text{H}_2 \uparrow + \text{S}_2 \downarrow$ . (сульфидли адсорбент юзасида жараён тезлашади)

$\text{CH}_4 + \text{S}_2 = \text{CS}_2 + 2\text{H}_2 \uparrow$ .

$\text{CO}_2 + \text{H}_2\text{S} = \text{COS} + \text{H}_2\text{O}$ .

$2\text{CO} \rightarrow \text{C} \downarrow + \text{CO}_2$  каби каталитик жараёнлар натижасина адсорбент микроғовакларида чўкинди қолдиқлар ҳосил қилади.

Микроғоваклар сиртида чўккан углерод катлами ва олтигугурт қолдикларидан самарали тозалаш ҳозирги кунга келиб, юқори сорбцион хусусиятли адсорбентлар чуқур регенерацияси асосий муаммосидир.



**13-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги. Горизонтал узук чизик-конденсация иссиқлиги (a)▲-NaX (b)△-регенерацияланган NaX, (c)■-CaA (d)□-регенерацияланган CaA цеолитлари

**14-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида сув адсорбция изотер-маси. (a)▲-NaX (b)△-регенерацияланган NaX, (c)■-CaA (d)□-регенерацияланган CaA цеолитлари ▲, ●, ■, ◆-тажриба натижалари, Δ, ○, □, ◇-MXTN тенгламаси ёрдамида ҳисобланган қийматлар

NaX цеолитида сув молекуласининг адсорбция дифференциал иссиқлиги ( $Q_d$ ) 13 (a)-расмда ва регенерацияланган NaX цеолитида 13 (b)-расмда келтирилган. Регенерацияланган NaX цеолитида сув адсорбцияси дифференциал иссиқлиги 90 кЖ/мольга, NaX цеолитида эса 95 кЖ/мольга тенг бўлади. NaX цеолитига жами 19,94 ммоль/г, регенерацияланган NaX цеолитига эса 18,15 ммоль/г сув адсорбцияланади.

Олинган маълумотлар суяқ сувнинг энтропиясига нисбатан олинган.  $Q_d$  босқичли эгри чизиғига мувофиқ адсорбцион энтропия эгри чизиғи полиэкстремал шаклга эга бўлади. Дифференциал иссиқликдаги ҳар бир поғона адсорбция энтропияси қийматларига мос келади. Ион-молекуляр комплекслар шаклланишида сув молекулалари цеолит супербўшлиқларида мустақам адсорбцияланганлигини билдиради. NaX цеолитининг бўшлиқларида сув адсорбциясининг ўртача интеграл моляр энтропияси 25,28 Ж/мол\*К ни, регенерацияланган цеолитда эса 20,02 Ж/мол\*К ни ташкил қилади.

13 (c)-расмда ва регенерацияланган CaA цеолитида 13 (d)-расмда 303 К ҳароратда CaA цеолитига сувнинг адсорбцияланиш дифференциал иссиқлиги ( $Q_d$ ) келтирилган. Узук чизиклар - 303 К ҳарорат остида ( $\Delta H_v = 43.5$  кЖ/моль) сувни конденсацияланиш иссиқлиги. CaA цеолитида сув адсорбцияси (0.14 ммоль/г дан бошланади) дифференциал иссиқлиги ~91 кЖ/моль дан бошланиб, ~0,59 ммоль/г га етганда  $Q_d=84$  кЖ/моль гача, 1,79 ммоль/г. га етгунга ( $Q_d \sim 75$  кЖ/моль) қадар чизикли пасаяди. Навбатдаги иккита молекула

( $2,99 \times 1,67 = 5$   $\text{H}_2\text{O}/\text{э.я.}$ ) адсорбция иссиқлиги 75 кЖ/мольдан 80 кЖ/моль гача ортиши, 2,14 ммоль/г. ҳосил бўлишида эса дифференциал иссиқлик яна 75 кЖ/мольгача камайиши билан боради. 6 ммоль/г. адсорбцияланишигача, яъни кейинги  $2,39 \times 1,67 = 4$  та сув молекулалари адсорбцияланишида иссиқлик дастлаб қисман кўтарилади, сўнг 70 кЖ/мольгача камаяди.  $9,58 \times 1,67 = 16$  та сув молекуласи адсорбцияланишида иссиқлик 59 кЖ/моль гача камайиб поғона ҳосил қилади.

NaX цеолитда сув адсорбция изотермаси логарифмик координаталарда ифодалангани (14(a)-расм). Тажриба натижаси асосланиб, регенерацияланган CaA цеолитида ҳам, дастлабки ҳолатдаги CaA цеолитида сув молекулалари адсорбция термодинамик қонуниятлари бўйича боради. Регенерацияланган CaA цеолити дастлабки ҳолат цеолитига нисбатан 10% га кам адсорбциялайди.

Кичик тўйиниш учун мувозанат босимлари  $P/P^\circ = 2,25 \cdot 10^{-5}$  га етади.  $\sim 0,15$  ммоль/г адсорбциягача катионларнинг умумий сонига тўғри келиб, изотерма эгилувчан кўтарилади, кейин адсорбция ортиши билан деярли тўғри чизиқли бўлади. NaX цеолитда сув адсорбция изотермаси уч хадли МХТН тенгламаси билан тасвирланади (14 (a)-расм).

$$a = 9,59 \exp[-A/30,11]^4 + 5,53 \exp[-A/15,15]^6 + 3,98 \exp[-A/5,98]^2$$

Бу ерда,  $a$  – микроғоваклардаги адсорбцияланаётган сув молекулалари сони, яъни ммоль/г,  $A = RT \ln(P^\circ/P - 1)$  ммоль/г. бугни юзадан ( $P^\circ$  босим) мувозанатли газ фазасига олиб ўтиш учун бажарилган иш ( $P$  босим).

Регенерацияланган NaX цеолитда сув адсорбция изотермаси уч хадли МХТН тенгламаси билан тасвирланади (14 (b)-расм).

$$a = 8,19 \exp[-A/28,25]^3 + 3,38 \exp[-A/10,4]^6 + 1,68 \exp[-A/4,88]^1$$

CaA цеолитига жами 16,2 ммоль/г сув молекулалари, регенерацияланган CaA цеолитига эса 14,4 ммоль/г сув молекулалари адсорбцияланади.


CaA цеолитида сувни адсорбцияланиши микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назариясини уч хадли тенгламаси (МХТН) (14 (c)-расм) орқали ифодаланди.

$$a = 6,9 \exp[A/32,09]^6 + 3,62 \exp[A/17,97]^8 + 5,8 \exp[A/2,87]^1$$


Регенерацияланган CaA цеолитда сув адсорбция изотермаси уч хадли МХТН тенгламаси билан тасвирланади (14 (d)-расм).

$$a = 6,19 \exp[-A/28,25]^3 + 3,38 \exp[-A/10,4]^6 + 4,68 \exp[-A/4,88]^1$$

Адсорбция ўртача дифференциал иссиқликлари ва адсорбция изотермалар қийматларидан фойдаланиб, NaX даги сувнинг дифференциал моляр энтропия адсорбцияси ( $\Delta S_d$ ) ҳисоблаб чиқилди (15 (a)-NaX цеолити, 15 (b)-регенерацияланган NaX цеолити). Олинган маълумотлар суяқ сувнинг энтропиясига нисбатан олинган.  $Q_d$  босқичли эгри чизигига мувофиқ адсорбцион энтропия эгри чизиги полиэкстремал шаклга эга бўлади. NaX цеолитининг бўшлиқларида сув адсорбциясининг ўртача интеграл моляр энтропияси 25,28 Ж/мол\*К ни, регенерацияланган цеолитда эса 20,02 Ж/мол\*К ни ташкил қилади.



**15-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида сув адсорбциясининг энтропия, узук-узук чизиклар ўртача интеграл энтропияси *a)* NaX *(b)*-регенерацияланган NaX, *(c)*-CaA *(d)*-регенерацияланган CaA цеолитлари



**16-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида сув адсорбция термодинамикаси. *a)* NaX *(b)*-регенерацияланган NaX, *(c)*-CaA *(d)*-регенерацияланган CaA цеолитлари

Адсорбция энтропиясини ҳисоблашда Гиббс-Гельмгольц формуласидан фойдаланилди.


$$\Delta S_d = \frac{\Delta H - \Delta G}{T} = \frac{-(Q_d - \lambda) + A}{T}$$

Бу ерда,  $\lambda$ -иссиқлик конденсацияси,  $\Delta H$  и  $\Delta G$ -энтальпия и эркин энергия ўзгариши,  $T$  - ҳарорат.


CaA цеолити (15 *(c)*-расмда, регенерацияланган CaA (15 *(d)*-расмда сув адсорбция энтропияси келтирилган. Адсорбция энтропияси дастлаб  $-12.53$  Ж/моль\*Кдан бошланиб, сўнг 1 Ммоль/г. миқдорида энтропия  $-6,5$  Ж/моль\*К дан  $2.76$  Ж/моль\*К гача кўтарилиши кузатилади.  $2.76$  Ж/моль\*К гача ошгандан сўнг адсорбция энтропияси яна қайтадан  $2.26$  Ж/моль\*К дан  $-19.52$  Ж/моль\*К гача камаяди ва бунда ҳар бир элементар ячейкаларда 5 тадан сув молекулалари адсорбцияланади.

NaA цеолити (16 *(a)*-расм), регенерацияланган CaA цеолитининг (16 *(b)*-расм) адсорбцион мувозанат вақтининг цеолитни сув билан тўлдиришга боғлиқлиги кўрсатилган. Кам тўлдиришда мувозанат  $8,2$  соатда, регенерацияланган цеолитда эса  $12$  соатдан кўпроқ вақт ичида мувозанатга келади. Босим ортиши билан адсорбция жараёни тезлашади ва мувозанат вақти охирлашган  $\sim 2$  соат ичида эришилади.

CaA цеолити (16 *(c)*-расм), регенерацияланган CaA цеолитининг (16 *(d)*-расм) сув адсорбцияси иссиқлик мувозанат вақти келтирилган бўлиб, бунда дастлаб  $33.16$  соатни ташкил этади. Сув молекулалари дастлабки миқдори камлиги учун цеолит таркибидаги катионларга қайта тақсимланишига кўпроқ вақт кетади. Сўнгра иссиқлик мувозанат вақти аста секинлик билан камайиб боради.




**17-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида углерод (IV) оксид адсорбцияси дифференциал иссиқлиги. Горизонтал узук чизик-конденсация иссиқлиги (a)▲-NaX (b)△-регенерацияланган NaX, (c)■-CaA (d)□-регенерацияланган CaA цеолитлари



**18-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида углерод (IV) оксид адсорбция изотер-маси. (a)▲-NaX (b)△-регенерацияланган NaX, (c)■-CaA (d)□-регенерацияланган CaA цеолитлари ▲, ●, ■, ◆-тажриба натижалари, △, ○, □, ◇- МХТН тенгламаси ёрдамида ҳисобланган қийматлар

NaX цеолитида CO<sub>2</sub> молекуласи адсорбцияси дифференциал иссиқликлари 17 (a)-расм ва регенерацияланган NaX цеолитида CO<sub>2</sub> 17 (b)-расмда келтирилган. Адсорбция дифференциал иссиқликлари (Q<sub>d</sub>) компенсация усули (Пальте эффеќти) ёрдамида Тиан-Кальве типидаги микрокалориметрда ўлчанди. Тажриба бошланишидан олдин адсорбентларни 723 К да 10 соат давомида юқори вакуумда (10<sup>-3</sup> Па) чиқарилади. NaX цеолитида CO<sub>2</sub> нинг адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари (Q<sub>d</sub>) 70-51,2 кЖ/моль оралиғида кичик тўйинишларда адсорбциядан олдин a = 0,53 ммоль/г ёки 1/8 э.я. ёки битта супербушлиқдаги CO<sub>2</sub> молекулалари сони бўйича CO<sub>2</sub> нинг цеолит супербушлиқларида локализацияланган Н<sup>+</sup> протонларига адсорбцияси билан боғлиқ. Кейин, адсорбция a=0,31 ммоль/г ва иссиқлик Q<sub>d</sub> = 51,2 кЖ/мол дан бошланиб, аста секинлик билан камайиб конденсация иссиқлигига босқичма-босқич яқинлашиб боради. a = 5,37 ммоль/гдан кейинги адсорбцияда якуний адсорбциягача CO<sub>2</sub> конденсация иссиқлигига жуда яқин боради.



**19-расм.** 303К ҳароратда NaX ва CaA цеолитларида углерод (IV) оксид адсорбциясининг энтропия, узук-узук чизиклар ўртача интеграл энтропияси a) NaX (b)-регенерацияланган NaX, (c)-CaA (d)-регенерацияланган CaA цеолитлари

Дастлабки NaX цеолитига жами 7,4 ммоль/г, регенерацияланган NaX цеолитида 6,4 ммоль/г CO<sub>2</sub> адсорбцияланади.

CaA цеолитида адсорбция дифференциал иссиқлиги  $Q_d \sim 65,37$  кЖ/мольдан бошланиб адсорбция 0,7 Ммоль/г бўлганда энергия кескин 43 кЖ/молгача кескин камаяди. Адсорбция миқдори 1,3 ммоль/г бўлгунча иссиқлик 58 кЖ/молгача ортади. Кейинчалик адсорбция иссиқлиги тўлқинсимон ўзгариб, камайиб боради. 3-5 ва 6 ммоль/гларда иссиқлик миқдори тўлқинсимон ўзгаришларнинг минимумларига тўғри келади. Яна битта углерод (IV) оксиди адсорбцияси иссиқлиги тўйиниш конденсация иссиқлигига яқинлашади.

NaX цеолитида CO<sub>2</sub>ни адсорбцияланиши МХТН орқали ифодаланди.

$$a = 5,943 \exp[-(A/21,24)^3] + 2,165 \exp[-(A/13,39)^4]$$

Регенерацияланган NaX цеолитда сув адсорбция изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламаси билан тасвирланади.

$$a = 5,17 \exp[-(A/19,14)^3] + 2,55 \exp[-(A/14,32)^4]$$

CaA цеолитига углерод (IV) оксиди молекуласининг адсорбция изотермаси икки ҳадли микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси тенгламаси ёрдамида (МХТН) тавсифланди.

$$a = 2,768 \exp[(A/20,28)^4] + 1,901 \exp[(A/14,03)^2]$$

Регенерацияланган NaX цеолитда сув адсорбция изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламаси билан тасвирланади (4.2.2 (2)-расм).

$$a = 2,17 \exp[-(A/18,14)^3] + 2,25 \exp[-(A/9,32)^4]$$

NaX цеолитида CO<sub>2</sub> адсорбциясининг моляр дифференциал энтропияси Гиббс-Гелмголдц тенгламаси ёрдамида ҳисобланган. S<sub>III</sub> бўшлиқдаги Na<sup>+</sup> катионларига адсорбцияланган CO<sub>2</sub> молекулаларининг ўзаро таъсири энтропиянинг -16 Ж/мол\*К гача пасайишига олиб келади. Адсорбциянинг ўртача моляр интеграл энтропияси сууқ карбонат ангидрид энтропиясидан 13 Ж/мол\*К га ошади.

CaA цеолитида CO<sub>2</sub> адсорбциясининг молекулалари тўртгаси бирикиб бешта Ca<sup>+2</sup> катионларига тўрт ўлчамли кластерларни кучли локализацияланиши кузатилади. CaA цеолитига ўртача интеграл энтропия -25,5 Ж/моль\*К ни ташкил этади, бу эса адсорбцияланган углерод (IV) оксиди молекулалари ҳаракатчанлиги стандарт шароитдаги энтропиясидан анча кичик. Дастлабки CaA цеолитига жами 4,3 ммоль/г, регенерацияланган CaA цеолитида 4,1 ммоль/г CO<sub>2</sub> адсорбцияланади.

## ХУЛОСА

Диссертацияси ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. NaX, CaA ва CaNaA цеолитларида сув, углеродоксисульфид адсорбцияси изостерик изотермалари ва регенерацияланган NaX, CaA цеолитларга сув ва карбонат ангидрид молекулалари адсорбцияси изотермалари микроғовакларнинг ҳажмий тўйиниш назарияси (МХТН) икки ва уч ҳадли тенгламаси ёрдамида тавсифланди.

2. NaX ва CaA цеолитида сув адсорбцияси иссиқлиги поғонасимон кўринишга эга, бу барча поғоналар цеолит матрицасида бир ва кўп ўлчамли сорбцион кластерлар  $(H_2O)_n/Na^+$  ва  $(H_2O)_n/Ca^+$  ҳосил қилади. Адсорбция изотермаси уч ҳадли МХТН тенгламаси билан ифодаланди. Ушбу цеолитлар супербўшлиқларида сув молекулаларининг ҳаракатчанлигини қаттиқ ҳолатдаги сув молекулалари ҳаракатчанлигига яқин эканлигини ифодаланади.

3. Дастлабки ва регенерацияланган CaA цеолитида сув адсорбцияси дастлаб дифференциал иссиқликнинг юқори бўлиши, бу кичик тўлқинсимон чизиқ кўринишни ҳосил қилганда цеолит матрицаси  $S_{II}$  бўшлиқларига адсорбцияланади. Адсорбцияланган тўртта сув молекулалари энтропияси  $-36$  Ж/моль\*К гача камайиши билан адсорбция  $12$  ммоль/г. ни,  $-2,0$  Ж/моль\*К гача ошиши билан  $13,2$  ммоль/г.ни ҳосил қилади. Жараён охирлашганда энтропиянинг қийматлари дифференциал иссиқлик каби навбатдаги сув молекулалари адсорбат-адсорбат боғланишини кўрсатади.

4. NaX цеолитида  $CO_2$  адсорбциясида  $61,5$  кЖ/моль, регенерацияланганда эса дастлаб  $57,2$  кЖ/моль иссиқлик билан боради. Адсорбция дифференциал иссиқлигида пасайиб бориб,  $4$  ммоль/г ва  $5$  ммоль/г оралиқларида максимал иссиқликка чиқади. Регенерацияланган NaX цеолитида углерод (IV) оксиди адсорбция миқдори дастлабки ҳолатдаги цеолитга нисбатан  $10\%$  кам адсорбцияланади.

5. CaA цеолитида  $CO_2$  адсорбциясида  $65$  кЖ/моль, регенерацияланганда эса дастлаб  $58$  кЖ/моль иссиқлик чиқади. Адсорбция дифференциал иссиқлиги эгри чизиқлар билан тўлқинсимон кўринишда пасаяди. Регенарацияланган CaA цеолитида адсорбция дифференциал иссиқлик, изотерма ва молли энтропия чизиқлари дастлабки цеолитга нисбатан биров пастроқда боради. CaA цеолитларида  $CO_2$  адсорбцияси ўртача интеграл энтропия  $-25,5$  Ж/моль\*К, регенерацияланганда эса  $-20$  Ж/моль\*Кни ташкил қилади.

6. Амалга оширилган тадқиқот натижалари, яъни регенерацияланган цеолитлар нефть маҳсулотларини, биогазларни қуритиш ва олтингугуртли бирикмалардан тозалаш учун қайта ишлатиш ҳамда оқова сувларни зарарсизлантиришда фойдаланиш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**  

---

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ  
ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ**

**НУРИДИНОВ ОЛИМЖОН КУТБИДИНОВИЧ**

**Механизмы адсорбции H<sub>2</sub>O и COS на наноструктурированных цеолитах в  
широком диапазоне равновесных давлений и температур**

**02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Наманган – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2022.2.PhD/К509 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертационная работа выполнена в Наманганском инженерно-технологическом институте, а также в институте общей и неорганической химии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного семинара ([www.ionx.uz](http://www.ionx.uz)) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz))

**Научный руководитель:**

**Эргашев Ойбек Каримович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Акбаров Хамдам Икрамович**  
доктор химических наук, профессор

**Салиханова Дилноза Саидакбаровна**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:**

**Ташкентский химико - технологический институт**

Защита состоится «12» ноября 2022 года в 09<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 при Наманганском инженерно-технологическом институте по адресу: 160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71; e-mail: [niei\\_info@edu.uz](mailto:niei_info@edu.uz)

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института за № 184, с которой можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре (160115, г.Наманган, ул. Косонсой, 7.). Тел.: (+99869) 228-76-75; факс: (+99869) 228-76-71.

Автореферат диссертации разослан «29» октября 2022 года

(реестр протокола рассылки № 11 от «29» октября 2022 года).

**И.Т.Шамшидинов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф

**Д.Ш.Шеркузиев**  
Ученый секретарь научного совета  
по присуждению ученой степени, д.т.н., проф.

**А.С.Боймирзаев**  
Председатель Научного семинара при  
научном совете по присуждению  
ученой степени, д.х.н., проф.

## **ВВЕДЕНИЕ аннотация диссертации доктора философии (PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой нефтегазовой промышленности различные сернистые соединения, остающиеся в продукте при осушке природных газов, очистке сернистых газов и нефтепереработке, отрицательно сказываются на качестве продукта и вызывают коррозию технологических устройств. Осушка природного газа и очистка от кислых газов, в том числе оксисульфидуглеродного газа, является одним из важных вопросов. Очистка от примесей осуществляется адсорбционным методом с использованием микропористых адсорбентов с высокими сорбционными свойствами. Количество использованных адсорбентов, образующихся при очистке, с каждым годом увеличивается. Важно определить способы регенерации цеолитов с сохранением их высоких сорбционных свойств и на основе полученных результатов добиться научно-практических инноваций.

На сегодняшний день в мире проводятся научные исследования по определению механизмов адсорбции наноструктурированных цеолитов для адсорбционных процессов и созданию технологии их эффективного регенерации. В связи с этим определение состава используемых микропористых цеолитов; определение оптимальных условий регенерации цеолита; подбор необходимых условий и реагентов для регенерации цеолитов с селективными свойствами; определение полных термодинамических свойств регенерированных цеолитов; изучить закономерности миграции катионов, возникающие при адсорбции полярных и неполярных молекул в матрице цеолита; особое внимание уделяется созданию технологии регенерации цеолитов.

В нашей стране достигаются положительные научные и практические результаты с развитием химической промышленности, создание новых производств ведет к расширению видов и размеров конкурентоспособной продукции. В частности, достигаются научные и практические результаты по разработке технологий синтеза адсорбентов и цеолитов и регенерации отработанных цеолитов. Третье направление Стратегии действий на 2017-2021 годы, направленное на дальнейшее развитие Республики Узбекистан, ставит задачи «Внедрение рыночных механизмов в сфере поставок природного газа с установлением гарантий социальной защиты путем ускорения трансформационных процессов в нефтегазовом секторе»<sup>2</sup> В связи с этим восстановление сорбционных свойств отработанных цеолитов на сегодняшний день имеет большое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Приказе Президента Республики Узбекистан ПП №4805 Президента Республики Узбекистан от 12 августа 2020 года «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной

---

<sup>2</sup>Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

эффективности в области химии и биологии», ПП №4265 от 3 апреля 2019 года «О дальнейшем реформировании химической промышленности и ее инвестиционной привлекательности», Постановление № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», направленное на дальнейшее развитие Республики Узбекистан а также других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII- «Химические технологии и нано технологии».

